



## THE APPROPRIATENESS RELATED TO NON-ISLĀMIC GROUPS MENTIONED IN ABŪ MANŞŪR AL-MĀTURĪDĪ'S TAFSIR AND THE MUFASSIR'S ATTITUDE TOWARDS THEM

**Sodikov Jurabek Sobirboyevich**

International Islamic Academy of Uzbekistan,

Phd, senior teacher of the

Islamic Studies and Study of Islamic Civilization ICESCO chair.

E-mail: jurabeksodiq@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11220195>

### ARTICLE INFO

Received: 12<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 19<sup>th</sup> May 2024

Online: 20<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Māturīdī, Ta'wīlāt ahl al-Sunnah, creed, sect, Mu'tazilah, Khārijīyya, Zāhirīyah.*

### ABSTRACT

*It is known that the schisms in the islāmīc world, which started during the time of the Companions, became stronger with the passage of time. The scholars of the Ahli Sunnah, who have sacrificed their lives to preserve the teachings of Islām in their original form, have been fighting on a scientific basis against errant currents and sects. It would not be wrong to say that the main part of Imām Māturīdī's scientific heritage is this scientific-ideological struggle.*

## АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ТАФСИРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ИСЛОМГА ОИД ФИРҚАЛАР ВА МУФАССИРНИНГ УЛАРГА МУНОСАБАТИ

**Содиқов Жўрабек Собирбоевич**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO”

кафедраси катта ўқитувчиси, исломшунослик фанлари PhD

Email: jurabeksodiq@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11220195>

### ARTICLE INFO

Received: 12<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 19<sup>th</sup> May 2024

Online: 20<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Мотуридий, “Таъвилот аҳли-с-сунна”, ақида, фирқа, мўътазилӣлик, хорижӣлик, зоҳирӣлик.*

### ABSTRACT

*Маълумки, Ислом оламида саҳобийлар даврдан бошланган фирқаланиш ҳаракатлари вақт ўтиши билан кучая борди. Ислом таълимотини асл ҳолатда сақлаб қолиш учун жон куйдирган аҳли сунна уламолари адашган оқим ва фирқаларга қарши мунтазам илмий асосда кураш олиб борганлар. Имом Мотуридий илмий меросининг асосий қисмини ҳам ана шу илмий-ғоявий кураш ташкил қилади десак янглишмаган бўламиз.*

Абу Мансур Мотуридийнинг Куръони карим тафсирига бағишланган “Таъвилот аҳли-с-сунна” асарида қуйидаги 18 та исломий фирқа ҳақида сўз юритилган<sup>1</sup>:

<sup>1</sup> Қаранг: Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2007. – Ж. XVIII. – Б. 231-241 (Кейинги ўринларда: Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна).



1)Асҳобу-л-ҳадис (أصحاب الحديث), 2)Ботинийлик (الباطنية), 3)Жаҳмий-лик (الجهمية), 4)Зоҳирийлик (أصحاب الظاهر، أصحاب الظواهر), 5)Имомийлик (أصحاب الإمامة), 6)Карромийлик (الكرامية), 7)Қадарийлик (القدرية), 8)Қарматийлик (القرامطة), 9)Муъаттила (معطلة), 10)Муржийлик (المرجئة), 11)Мутақош-шифа<sup>2</sup> (المتشفة), 12)Мушаббиха (المعتزلة، أهل الاعتزال، مذهب الاعتزال، أصحاب الأصلح), 13)Мўътазилийлик (مجمعة، المشبهة، أهل التشبيه), 14)Рофизийлик (روافضة، رافضة), 15)Файласуфлар<sup>3</sup> (الفلاسفة), 16)Хорижийлик (أهل الخوارج، الخوارج), 17)Ҳаша-вийлик (الحشوية), 18)Шиалик (الشيعة).

Ушбу фирқалар ҳақида келтирилган маълумотлар таҳлили улар ичида энг кўп тилга олингани мўътазилийлик эканини кўрсатади. Бунинг боиси Имом Мотуридий яшаган даврда ушбу фирқанинг хатарли ғоялари бутун ислом оламида кенг ёйилган эди. Шу боис аллома мўътазилийликка оид ақида ва ғояларга раддия беришга жиддий эътибор қаратган. Қолган фирқалардан бўлса хорижийлар, рофизийлар ва ботинийлар нисбатан кўпроқ ўринларда зикр этилган. Қуйида “Таъвилот аҳли-с-сунна”даги баъзи фирқалар ҳақида келтирилган маълумотларга ва уларни ўрганишнинг бугунги кундаги аҳамиятига тўхталиб ўтилади:

Мўътазилийлик – айтиб ўтилганидек, “Таъвилот аҳли-с-сунна”да энг кўп тилга олинган фирқа бўлиб, у жами 408 ўринда зикр этилган<sup>4</sup>.

Маълумки, мўътазилийликнинг ажралиб чиқишига асос бўлган илк эътиқод – гуноҳи кабира қилган мўъминнинг иймондан чиқиши ҳамда иймон ва куфр ўртасида қолишлиги ҳақидаги ақида ҳисобланади<sup>5</sup>. “Ал-манзил байнал-манзилатайн” деб аталган ушбу эътиқодга Мотуридий ўз тафсирида қатъий раддиялар берган. Масалан, қасосга оид “Бақара” сураси 178-оятдаги:

...فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ...

“...Кимки, биродари томонидан авф этилса (хун олишга рози бўлинса)...”<sup>6</sup> – жумласи тафсирида аллома қуйидагиларни айтади:

“Бу ўринда иймон гуноҳи кабира сабабли кетмаслигига далил бор. Чунки, Аллоҳ таоло қотилни “биродар” деб атади. Бу насабдаги эмас, диндаги биродарликдир... Бу оят мўътазилийларнинг: “Гуноҳи кабира имондан чиқаради”, – деган сўзларига раддиядир”<sup>7</sup>.

Яна кўплаб оятлар тафсирида мўътазилийларнинг мазкур эътиқодига ҳар томонлама асосли раддиялар берилган. Жумладан:

قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ يَنْتَهُوا يُعْفَرْ لَهُمْ مَا قَدْ سَلَفَ

“Кофир бўлганларга айтинг, агар (куфрдан) қайтсалар, ўтмиш (гуноҳ)лари кечирилур”<sup>8</sup> (Анфол: 38).

<sup>2</sup> Зоҳидликда хаддан ошган фирқа.

<sup>3</sup> Ислом файласуфлар назарда тутилган.

<sup>4</sup> Қаранг: Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. XVIII.– Б. 233, 239-240.

<sup>5</sup> Қаранг: Самийъ Дуғайм. Мавсуъа мусталаҳот илмил-калом ал-исломий. – Ж. I. – Б. 69; Мухаммад Абу Захро. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламийя. – Қоҳира: Дор ал-фикр, 1995. – Б. 118.

<sup>6</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 27. (Кейинги ўринларда: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Абдулазиз Мансур).

<sup>7</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. I. – Б. 328.

<sup>8</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Абдулазиз Мансур. – Б. 181.



Ушбу оят тафсирида бўлса аллома шундай дейди: “Бу оятда мўътазилийларнинг даъволари нотўғрилигига далил бор. Чунки, Аллоҳ таоло агар мушриклар ва кофирлар қилаётган ишларидан тўхтасалар ва тавба қилсалар уларнинг аввал қилган гуноҳларини кечиршини айтмоқда. Шу шарт биланки, ўша амалларини имон келтиришлик билан тўхтатишса. Чунки, Аллоҳ таоло иймон билан куфр ўртасида учинчи манзилни яратмади. Мўътазилалар эса бу иккиси ўртасида яна бир макон бор: “Агар бир инсон гуноҳи кабира қилса иймондан чиқади, дўзахда абадий қолади, лекин куфрга кирмайди”, – деб ҳисоблашади”<sup>9</sup>.

“Бақара” сураси 24-оят тафсирида бўлса мўътазилийларнинг юқоридаги эътиқодга боғлиқ бўлган яна бир ақидасига қарши далил келтирилади:

...أَعَدَّتْ لِلْكَافِرِينَ...

“...кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланинг!”<sup>10</sup>

Мотуридий мазкур оят шарҳида шундай дейди: “Ушбу оят дўзахнинг кофирлардан бошқалар учун ҳозирланмаганига далолат қилади ва мўътазилийларнинг қарашларига раддия бўлади. Чунки, улар: “Гуноҳи кабира қилган киши жаҳаннамда абадий қолади”, – дейдилар, лекин бу билан уларни куфрга ҳам нисбат бермайдилар”<sup>11</sup>.

Шу тариқа Мотуридий мўътазилийларнинг Қуръон оятлари билан боғлиқ ҳар бир нотўғри эътиқодига тўхталиб ўтади. Мазкур фирқага алоқадор ҳеч бир ақидавий мавзунини очиқ қолдирмасликка интилади.

Хорижийлик – Ислом тарихидаги илк мутаассиб оқимлардан бири бўлиб, тафсирда жами 32 ўринда тилга олинган. Хорижийлик “Таъвилот аҳли-с-сунна”да мўътазилийликдан кейин энг кўп зикр этилган исломий фирқа ҳисобланади<sup>12</sup>.

Али (р.а.) даврларида вужудга келган хорижийлик оқими вақт ўтиши билан кўплаб фирқаларга бўлиниб кетди. Абдулқоҳир Бағдодий ўзининг фирқалар таризига бағишланган асарида хорижийликка мансуб йигирмата фирқани санаб ўтган<sup>13</sup>. Фахриддин Розий бўлса уларни йигирма биттага етказган<sup>14</sup>. Мотуридий улардан фарқли равишда хорижийларни фирқаларга ажратмайди.

“Таъвилот аҳли-с-сунна”да хорижийларнинг гуноҳи кабира эгасининг иймондан чиқиши<sup>15</sup>, гуноҳи кабираларнинг барчаси Аллоҳ таолога ширк келтириш эканлиги<sup>16</sup>, ҳукм қилишнинг фақат Аллоҳга хослиги<sup>17</sup> каби ақидаларига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, хорижийлар ва боғийларга қарши урушнинг жоизлиги<sup>18</sup> ҳақида сўз юритилган.

<sup>9</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. VI. – Б. 214.

<sup>10</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Абдулазиз Мансур. – Б. 4.

<sup>11</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. I. – Б. 60.

<sup>12</sup> Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi's “Ta'wilat Ahli-s-Sunnah”. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>

<sup>13</sup> Қаранг: Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-Фарқ байнал-фиروق. – Қоҳира: Мактаба Ибн Сино, 1988. – Б. 72.

<sup>14</sup> Қаранг: Фахриддин Розий. Эътиқодот фиروق ал-муслимин вал-мушрикин. – Байрут: – Дор ал-кутуб ал-илмия, 1982. – Б. 46-51.

<sup>15</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. I. – Б. 97.

<sup>16</sup> Ўша асар. – Ж. III. – Б. 257.

<sup>17</sup> Ўша асар. – Ж. XIII. – Б. 22.

<sup>18</sup> Ўша асар. – Ж. IV. – Б. 203, 260.



ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ

“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди”<sup>19</sup> (Нисо: 48).

Аллома ушбу оят тафсирида қуйидагиларни айтади:

“Хорижийлар бу оят маъноси борасида шундай дейдилар: “Гуноҳи кабираларнинг барчаси ширк. Кимки гуноҳи кабира қилса, “Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай...” оятининг ҳукми унга тегишлидир”. Уларга жавобан: “Сизнинг фикрингизга кўра ҳукм қилинса, мушрик бўладиган гуноҳи кабиранинг моҳияти гуноҳи сағирада ҳам бор. Шу сабаб кичик гуноҳ қилган киши ҳам кофир бўлиши керак. Акс ҳолда, гуноҳи кабира қилган мўмин ҳам кофир бўлмайди”, – дейлади”.

Мотуридий уларга қарши яна шундай дейди: “Аллоҳ мўминларнинг ширкдан бошқа гуноҳларини кечиршини айтиш билан уларда умид уйғотди. Агар мағфират қилиши ақлга тўғри келмаганда уларда умид уйғотмасди. Умид уйғотибдими демак, бу ширкдан бошқа гуноҳларнинг кечирилиши мумкинлигига далолат қилади. Тўғри, буни Аллоҳнинг Ўзи билади, хоҳласа кечиради, хоҳласа азоблайди. Ширкнинг кечирилишига умид уйғотиш бўлса ақлга тўғри келмайди. Чунки, кимда ким бирор динга эътиқод қилса, унга доимий эътиқод қилади. Лекин, гуноҳ қилган киши эса унда абадий давом этмайди. Балки, шаҳвати ғолиб келганда уни қондириш учунгина гуноҳ қилади. Сўнгра гуноҳига афсус чекади. Шунинг учун ширкдан бошқа гуноҳларнинг кечирилишига умид қилиш ақлга тўғри келади”<sup>20</sup>.

Хорижийликка хос эътиқодларни, хусусан уларнинг иймон масаласига оид қарашларини бугунги кундаги кўплаб мутаассиб гуруҳлар ақидаларида кузатиш мумкин. Шу боис уларга раддия беришда Мотуридий тафсиридан фойдаланиш ижобий самара беради.

Зоҳирийлик – Мотуридий тафсирининг жами 6 ўрнида ушбу фирқага оид маълумотлар келтирилган<sup>21</sup>. Уларнинг барчасида оятларнинг фақат зоҳирий маъноларигагина таяниб қолишнинг тўғри эмаслиги ҳақида сўз юритилган.

Маълумки, зоҳирийлик ҳам ақидавий, ҳам фикҳий мазҳаб сифатида мавжуд бўлган. Икки ҳолатда ҳам уларнинг қарашларида нақлий далилларга зоҳирий ёндошув яққол кўзга ташланган. Мотуридий “Исро” сураси 107-оят тафсирида зоҳирий ёндошув ҳар доим ҳам тўғри бўлмаслигини таъкидлайди:

قُلْ آمِنُوا بِهِ أَوْ لَا تُؤْمِنُوا إِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ مِنْ قَبْلِهِ إِذَا يُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ يَخِرُونَ لَلْأَذْقَانِ سُجَّدًا

“Айтинг: (Эй, мушриклар!) Хоҳ (унга) ишонингиз, хоҳ ишонмангиз, (бу ихтиёрингиз). Зотан, илгари илм (Таврот) берилган кишилар (Қуръон) тиловат қилинган вақтида, сажда қилган ҳолларида ияк (юз)лари билан йиқилурлар”<sup>22</sup>.

“Бу оят зоҳирийларга раддиядир. Чунки, улар: “Хитобдан зоҳирини тушуниш керак, очиқ кўриниб турганидан бошқа маънога ўтилмайди”, – дейдилар. Холбуки, “Айтинг:

<sup>19</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Абдулазиз Мансур. – Б. 86.

<sup>20</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. III. – Б. 257.

<sup>21</sup> Қаранг: Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. IV. – Б. 346; – Ж. VIII. – Б. 375, 376; – Ж. IX. – Б. 10, 14, 77.

<sup>22</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Абдулазиз Мансур. – Б. 293.



(Эй, мушриклар!) Хоҳ (унга) ишонингиз, хоҳ ишонмангиз”, – жумласини зоҳирий маъносида, яъни “танлаш ихтиёрини бериш”, деб тушуниб бўлмайди. Балки, уни очиқ ва қаттиқ қўрқитиш ҳамда яқуний насиҳат маъносида тушуниш лозим...

Аллоҳ таолонинг: “Зотан, илгари илм (Таврот) берилган кишилар (Қуръон) тиловат қилинган вақтида, сажда қилган ҳолларида ияк (юз)лари билан йиқилурлар”, – деган сўзлари ҳам зоҳирийларнинг қарашларига зиддир. Чунки, ҳар бир илм берилган киши зоҳиран тушунилганидек (оятларни эшитиши билан) саждага йиқилиши лозим эмас (балки бу ўринда бўйсунуш назарда тутилган). Ушбу оят шунга далолат қиладики, эътиқод қулоққа чалинган зоҳирий маънога таянмайди, балки у ҳикмат тақозо қилган мазмунга асосланади”<sup>23</sup>.

Алломининг мазкур далилларини бугунги кундаги “оят ва ҳадисларни ўз маъносида тушуниш лозим”, деган даъво билан уларнинг зоҳирий маъно-ларини тарғиб қилаётган адашган фирқаларга қарши ҳам қўллаш мумкин.

Юқорида турли фирқаларга оид мисоллар орқали Имом Мотуридий даврида мусулмонлар орасида кенг тарқалган баъзи нотўғри эътиқодларга тўхталиб ўтилди. Муфассир шу тариқа, қайси фирқага оид бўлмасин, ўзи хабардор бўлган барча ақидавий хатоларни тўғрилашга интиланган. Раддия беришда битта далил билан чекланиб қолмаган. Нақлий далиллар билан бир қаторда мантиқий ва ақлий далиллардан ҳам кенг фойдаланган. Далиллашдаги мазкур услуб орқали ҳар бир фирқага қарши ўз қуроли билан курашган ва уларни илмий баҳс майдонида ҳар томонлама мағлуб этган.

Бугунги диний тушунча ва анъаналарнинг қайта тикланиш жараёнида аллома илмий мероси, хусусан “Таъвилот аҳли-с-сунна” асари катта аҳамият касб этади. Жумладан, у Ислонни турли бузуқ ақидалардан сақлашда муҳим ўрин тутаяди. Чунки, Мотуридий яшаган даврда мавжуд бўлган адашган фирқаларнинг аксарияти тарихга айланган бўлса-да, уларнинг ақида ва қарашлари бугунги кун мутаассиб гуруҳлари таълимотларида ўзининг катта тасирини қолдирган. Шу нуқтаи-назардан аллома меъросини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот натижалари асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатиб бериш бугунги кун олим ва тадқиқотчилари олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

## References:

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
2. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳқиқи остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2005-2007. – Ж. I. – 586 б; – Ж. III. – 477 б; – Ж. IV. – 425 б; – Ж. VI. – 541 б; – Ж. VIII. – 431 б; – Ж. IX. – 477 б; – Ж. XIII. – 469 б; – Ж. XVIII. – 362 б.
3. Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-Фарқ байнал-фироқ. – Қоҳира: Мактаба Ибн Сино, 1988. – 320 б.

<sup>23</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. VIII. – Б. 375-376.



4. Муҳаммад Абу Захро. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламийя. – Қоҳира: Дор ал-фикр. – 688 б.
5. Самийъ Дуғайм. Мавсуъа мусталаҳот илм ал-калом ал-исломий. – Байрут: Мактабату Лубнан наширун, 1998. – Ж. I. – 952 б.
6. Фахриддин Розий. Эътиқодот фироқ ал-муслимин вал-мушрикин. – Байрут: – Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1982. – 101 б.
7. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi's "Ta'wilat Ahli-s-Sunnah". ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>